

АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА ҚОШ ТИМСОЛИ

Шахноза Норкулова, Термиз ДУ ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада Алишер Навоий ғазалларида қош тимсоли билан боғлиқ мавзу теварагида фикр юритилиб, шоирнинг бу борадаги маҳорати масалаларига урғу берилади.

Таянч сўз ва иборалар: кўз, қош, лаб, лаъл, хол, ашк, қорачиғ, киприк, қабоқ, дур, жоду, чарос, тимсол, ғоя, талқин, маҳорат.

БРОВИ В ГАЗЕЛИ АЛИШЕРА НАВОИ

Шахноза Норкулова, преподаватель ТерГУ

РЕЗЮМЕ. В статье на примере газелей Алишера Навои исследуются темы связанные образом брови сделано краткие выводы о мастерстве поэта.

Ключевые слова и выражения: глаза, брови, губы, рубин, родника, слёзы, зрачок, ресницы, чарующий, мастерство, искусность, образ, идея, изображения.

EYEBROW IN ALISHER NAVOI'S GAZELLES

Shahnoza Norkulova, teacher of Termez State University

RESUME. The article focuses on the theme of the eyebrow in Alisher Navoi's poems (ghazals) and emphasizes the poet's skill in this area.

Key words and phrases: eye, eyebrow, lip, spot, tear, pupil, eyelash, eyebrow, pearl, magic, charos, emblem, idea, interpretation, skill.

Ўзбек мумтоз адабиётида машуқа тимсолини тасвирлашда қатор бадий ифодаларга мурожаат этилади. Машуқа тимсолини очиб беришда бадий ифодалар ва шеър санъатлари бир-бирини тўлдиради, мантиқ

жиҳатидан тасвирнинг таъсир кучини оширишда кўл келади. Маъшуқа жамолини, тўғрироғи аёл кўркини кўз-кўз қилувчи қош, кўз, қабок, киприк, лаб, ёноқ, тиш, хол, оғиз, қомат, бел, соч, зулф каби тимсоллар шеърятнинг ажралмас унсурлари ҳисобланади.

Алишер Навоий лирикасида биргина қошнинг бадий талқинини тасвирлаш учун азал-азалдан кўллаб келинган анъанавий меҳроб, мушкін, ёй, қавс, ҳилол, ўк, тиг, сиёҳ, хат, қаро, камон каби ташбихлар тизимининг янги моҳият ва янги ғоя ифодаси билан шеър бағрига сингдирилишини кузатамиз:

Қоши оллинда Навоий берса жон айб этмангиз,

Гар будур меҳроб, бир-бир қўйгусидир барча бош.

Бунда қош билан меҳробнинг шаклан ўхшашлиги, яъни қошнинг қайрилмалигига ишора килинмоқда ва чиройли ташбих ишлатилмоқда. Қошнинг меҳробга ўхшатилиши тез-тез қўлланадиган одатий усуллардан бири бўлиб, қошнинг ингичкалиги, қайрилма кўриниши ўз тасвирини топган. Башарти, юкоридаги байтга синчков назар ташласак, кўп жумбоқларга жавоб топилади, чунончи, шоир айтмокчи маъшуқа қоши олди (қошнинг қоши)да Навоий (яъни ошиқи бечора) жон таслим килса «айб этмангиз», демоқда.

Маъшуқанинг қайрилма қоши меҳробга менгзалиб қойилмақом тасвир яратилиб, ўзаро ташқи ўхшашлик эвазига қош ва ошиқ аҳволи (забунлиги)нинг мутаносиблиги таъминланмоқда. қош кўп холда ошиқ ҳолатини, вазиятини белгилайди, худди шу меҳроб (қош) ва банда (ошиқ) мутаносиблиги сингари улар бир-бирини табиий такозо ҳам этади. қош-меҳроб-жон-бош тушунчалари биргаликда бир бутун мазмун тизимини таркиб топтириб, мантиқ ва моҳият муштараклигини тажассум этмоқда. Масжид (худо уйи) да намоз меҳробга караб ижро этилади ва бош эгилади, бу одатий ҳол ва қоида ҳукмига ҳавола этилган катъий удум, уни зинҳор ўзгартиб ёки ислоҳ этиб бўлмайди. Оллох бандасининг боши меҳробга

эгилганидек, ошиқнинг ёр қошига интилиши, яъни эгик қошга эгик бош анча уйқаш ва мос, бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ошиқ ўз бошини маъшуқа қоши олдида эгмоқда, эгик қош ва эгик бош кўп жиҳатдан шаклий талқинда мослик касб этмоқда.

Қуйидаги матлаъда қош ва хол, кўз ва хат, яъни сунбул янада аниқроғи райҳон билан биргалиқда қошнинг қора рангига урғу берилмоқда. Уларнинг жами: кўз, қош, хол, хат-қора, демакки, санаб ўтилган тимсоллар гўзаллик рамзи, булар қора ранг воситасида амалга оширилмоқда. кизиғи шундаки, ана шу тимсоллар, уларга тааллуқли қора ранг ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, балки, юз иссиғи - қуёш оташи туфайли шу куйга маҳкум этилган:

*Қорадур холлу хатту кўзу қошинг,
Магар борини куйдирмиш куёшинг.*

Матлаъдаги ифоданинг мантиқ талабидан келиб чиқиб мушоҳада қилиб мулоҳаза юритсак, қуёш (юз) тимсоли беҳуда келтирилмаганига гувоҳ бўламиз. Зотан қош, кўз, хол, хат (райҳон ёхуд зулф) ҳаммаси юз (қуёш)да маскан тутган. Уларнинг бошқача пайдо бўлиши мумкин ҳам эмас. Аммо қошнинг қоралигини бўрттириб ва ишончли тасвирлаш ниятида қуёш (юз) иссиқлиги тимсолидан ўринли истифода этилиб, мақсад ва мантиқ мутаносиблиги таъминланмоқда. Эслатилгани каби қуёшдан муддао ёрнинг алангали юзи, у айна бир пайтда оқ ҳамда айна замонда оташнок, шул сабаб қошни, кўзни, холни, зулфни куйдириб қорайтириб юборган.

*Қошу юзингни мунажжим чунки кўрди бениқоб,
Деди: кўрким қавс буржида тугибдур офтоб.*

Юқоридаги байтга синчков эътибор қилсак, ажойиб манзарани, ғаройиб тасвирни кашф этамиз. Қош ва юз, аниқроғи юз ва қош, чунки бу ўринда кетма-кетлик жиҳатдан юз сўзи қош сўзидан кейин келса-да, мантиқий хол шуки, у юзни биричи режага чикаради. Аслида мунажжим

(юлдузшунос) қуёш (юз)ни ниқобсиз, пардасиз, хижобсиз, тўғрироғи гардсиз, ғуборсиз кўрмоқда, бу воқеа осмон жисмларини кузатув пайтида содир бўлмоқда. Байтнинг иккинчи мисраси барча масалаларга ойдинлик киритади, яъни қошдан мурод қавс (ёй), юз (чеҳра)дан мурод офтоб (қуёш) экани анча равшанлашмоқда. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас, булар юзаки талқин, тасвирнинг ботиний маъноси тамоман ўзгача талқинларга эга. Қуёш ўз ҳаракати давомида бир йил ўн икки буржни турли ҳолатларда навбат билан босиб ўтади. Шу айланиш жараёнида қуёшнинг Ер сайёрасига таъсири турлича кечади. қуёшнинг қавс буржидаги ҳолати эса, «шараф буржи» деб номланар экан, боиси қавс буржида қуёш ҳаракати сусайиши (совиш, ёндиришдан кўра шунчаки илитиш) кўчар экан, бу эса инсонга хуш ёқадиган давр ҳисобланади. Байтда ана шу назарда тутилмоқда ва теран урғу берилмоқда, зеро қуёш айна қавс буржида мусаффо ва беғубор кўринади. Инсон қуёшга бемалол тик боқа олади, қуёшнинг нурлари эндиликда кўзни қамаштира олмайди. қуёш қавс буржида турганда Ер сайёрасини куйдирмайди, балки илитади ҳамда ерни илитади. Хуллас, қавс (ёй-қош) буржидаги қуёш (юз) ўзига хос тароватга эга, у ўзлигини бор жамоли билан кўз-кўз қилмоқда. Қизиғи, қуёш айна қавс буржигида кирган кезлар Ер сайёрасига яқинлашар экан. Кўринадики, мутафаккир шоир шу биргина байтда қанча ҳодисаларни тажассум этиб бермоқда.

Алишер Навоий қош тасвирини жонли тасвирлаш учун турли бадий ифода воситаларини қўллайди, чунончи, қошни янги ойга қиёслаш анъанавий усулини анча ривожлантиришга эришади:

Кўзинг сар фитнаи олам тушубдур,

Қошингдек, бир янги ой кам тушубдур.

Кўз оламга фитна солмоқлик рамзи бўлса, қош шу оламда камдан - кам учрайдиган янги ойга ўхшашдир. Аслида қошни кўздан, кўзни қошдан ажратиб бўлмайди, улар том маънода бир-бирини тақозо этганидек, айна замонда улар мантиқан бир-бирини тўлдиради. Навоий даври шеърини ҳам бу ҳодисадан

четда тургани йўк, балки бу борада ўз кашфиётлари билан улуш қўшиб, мумтоз шеърятимизни юқори уфқлар сари етаклайди.

Адабиётлар:

1. Навоий А. Асарлар. Ўн беш томлик. Т.1. Ғаройибус - сиғар. Нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1963. – 496 бет.
2. Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. Т.2. Наводируш - шабоб. Нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1963. – 428 бет.
3. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. –784 б.
4. Саройи Сайфи. Шеърлар. Гулистон. Нашрга тайёрловчи Эргаш Фозилов. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968. –256 бет.
5. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. II жилд. (XIV–XV асрнинг бошлари). Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи: ф.ф.д., проф. Насимхон Раҳмон. –Тошкент: ЎЗР ФА “Фан” нашриёти, 2007. – 320 б.